Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 20-iyul № 86 (2811) seshanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ҳикмат

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ғаний.

Алишер НАВОИЙ

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги олдидан

Гўзал Фарғонага хуш келибсиз!

Фарғона аэропорти халқаро талаблар асосида капитал таъмирдан чиқарилди... Самолёт қўниш йўлагига яқинлашади. Стюардесса қизнинг «Ўзбекистонга, гўзал Фарғонага хуш келибсиз», деган сўзлари янграйди. Шу пайтда қалбимизни ифтихор, мустақил юртимиздан фахрланиш туйғуси эгаллайди...

Ҳа, жаҳон талаблари асосида кўркам қиёфа касб этган Фарғона аэропорти йўловчиларни, юртимизга ташриф буюрган меҳмонларни ана шундай ширин калом билан кутиб олмоқда.

Бугун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ҳаво кемалари дунёнинг ўнлаб мамлакатларига парвоз қилмоқда, мустақил Ўзбекистонимиз довруғини оламга ёймоқда. Турли қитъалардан минг-минглаб йўловчиларнинг давлатимиз байроғи тасвири туширилган замонавий самолётларда келаётгани ҳар биримизга катта ғурур ва ифтихор бахш этади.

Юртимиздаги аэропортларни модернизация қилиш, жаҳон андозалари асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар Фарғона аэропортида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 5 майда қабул қилинган «Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида аэропортимизда катта ҳажмда капитал реконструкция ишлари амалга оширилди, — дейди Фарғона аэропорти директори Рустамжон Исроилов. — Аэровокзал бутунлай қайта таъмирланди ҳамда йўловчилар учун барча шароит яратилди. Бугунги кунда халқаро талаблар асосида хизмат кўрсатилмоқда.

Истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш ҳаво орқали йўловчи ташишнинг устувор вазифаларидандир. Миллий авиакомпаниямиз йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Шундан келиб чиқиб Фарғона аэропортини реконструкция қилиш жараёнида йўловчилар учун қулайликлар ва парвозлар хавфсизлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Аэропорт тегишли ускуналар, тизимлар ва дастурлар билан жиҳозланди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида транзит зали барпо этилди. Шунингдек, такси чақириш, дорихона, почта, телефон, телеграф каби сервис хизматлари йўлга қўйилди. Аэропортда илгари бир соатда 200 йўловчига хизмат кўрсатилган бўлса, реконструкциядан сўнг 400 йўловчига хизмат кўрсатиш имкони вужудга келди.

— Фарғонага илк бор келишим, — дейди кореялик сайёҳ Ким Вогдан.— Аэропортдаги хизматлардан жуда мамнунман. Аэровокзал барча талабларга тўла жавоб беради. Мана шу замонавий аэропортнинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг катта салоҳиятидан, мустақиллик йилларидаги улкан ўзгаришлардан далолат бериб турибди.

Замонавий қиёфага эга бўлган мазкур аэропорт мамлакатимиз, жумладан, вилоят иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Янги кун янгиликлари

Жорий йилнинг март ойида Қашқадарё вилоят марказий ўрмон хўжалигида Экологик боғ барпо этилган эди. «Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлиги» давомида ташкил этилган мазкур боғ 5 гектар майдонга эга.

Экологик боғ

Боғ ҳудудига айни пайтгача 6 турдаги 1800 дан ортиқ манзарали дарахтлар экилди. Кейинчалик унинг майдонини 15 гектарга етказиш ҳамда 100 турдаги субтропик, манзарали ва мевали дарахтларни етиштириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси томонидан тез орада 17 гектар майдон манзарали дарахтлар илмий-методик боғига айлантирилади. Талабалар, лицей ва коллеж ўқувчилари мазкур боғда илмий изланиш олиб бориш имкониятига эга бўлишади.

Асрор АЛЛАЁРОВ

«Сурхонпахтаэлектртаъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, жамият раҳбари Саттор Тошбоев 20 нафар ишчига ғамхўрлик кўрсатиш ва қулай шароит яратиш мақсадида қўшимча даромад топиш йўлларини излади.

Бир ойда 48 мингта жўжа

Имконият изланганники экан. «Сурхондарёпахтасаноат» ҳудудий бошқармаси кўмагида жамиятга 66 млн. сўмлик жўжа очириш цехи ўрнатилди. Ўтган бир ярим ой мобайнида Самарқанддан келтирилган зотдор товуқлар тухумидан 20 мингта жўжа очирилиб, фермер хўжаликлари ва аҳолига сотилмоқда. Цех тўла қувват билан ишга тушгач, бир ойда 48 мингта жўжа очириш имконияти яратилади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Жиззах вилоятида чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда наслчиликни яхшилаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Моли тўқнинг кўнгли тўқ

Хориждан келтирилган моллар сони 15 мингдан ортди. Пахтакор, Дўстлик туманларида бу иш яхши йўлга қўйилган. Чорвадорлар учун 140 та зооветеринария хизмати ҳамда омухта ем шохобчалари хизмат кўрсатаяпти.

Чорва қишловига ҳозирлик бошлаб юборилган. Воҳа чорвадорлари ҳозиргача 750 минг тонна хашак, 450 минг тонна сомон жамғариб қўйишди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Гулистон шаҳар марказий деҳқон бозорида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда қишлоқ хўжалик улгуржи савдо бозори қад ростлаяпти.

Қулайлик

Янги савдо мажмуида 200 та хусусий дўкон, 330 та савдо растасига эга иккита ёпиқ павильон бунёд этилади. Бозорда аҳоли учун катта қулайликлар яратилади. Яъни Мирзачўлда етиштирилган сабзавот ва мева-чеваларнинг улгуржи савдоси йўлга қўйилади. Шунингдек, янги бозор ҳудудидан бир-биридан кўркам хизмат кўрсатиш объектлари ўрин олиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Бунёдкорлик ишлари «Сайқалзаминқурилиш», «Бектранссервис» хусусий фирмаларининг қурувчилари томонидан амалга оширилаяпти.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

«Агробанк»нинг Олтинкўл филиали томонидан фермерлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит ажратилмоқда.

Кредит ҳисобига

Энг асосийси, ушбу маблағлар эвазига янги иш ўринлари вужудга келаяпти. Мисол учун, тумандаги «Қўштепа» фермер хўжалиги чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун банкдан 20 млн. сўм кредит олди. Натижада 12 та янги иш ўрни яратилди. Зотдор қорамол боқишга ихтисослашган «Абдулҳаев Шамсиддин сулоласи» фермер хўжалигига ҳам банк томонидан 100 млн. сўмлик кредит ажратилди. Ушбу маблағга наслдор қорамоллар сотиб олиниб, 8 киши ишли бўлди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш, айниқса, қишлоқ инфратузилмасини бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада Наманган вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Тоғ қишлоқларида газ

Вилоятнинг тоғ қишлоқларигача газлаштирилаяпти. Жумладан, вилоят марказидан 55 км. олисда жойлашган Ҳазратшоҳ қишлоғига ҳам зангори олов етиб келди. Қишлоқ аҳли турмушини фаровон қилиш учун салкам уч миллиард сўм маблағ сарфланди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Бу муқаддас ватанда азиздир инсон

Ижодга рағбат



Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кетаётган шу кунларда «Ishonch» муштарийлари билан учрашиш мақсадида газетамизнинг бир гуруҳ фаол муаллифларини олиб Гулистон шаҳри томон йўлга тушдик. Қуёш тафтидан кўчалар ойнадай ярқирайди. Икки машина олдинма-кетин шамолдай елиб борар, биз эса ўзаро суҳбатга берилиб кетгандик.

— Сирдарёга кўп борганман, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муҳтарама Улуғова. — Жуда гўзал жойлар. Бу иссиқда кўчага чиққудай шаштим йўқ эди-ю, Сирдарёга боришимизни билиб чарчоқларим унутилди.

Ҳамроҳимизнинг Сирдарё билан боғлиқ хотираларини тинглар эканмиз, қуйидаги маълумотларни келтириб ўтишни лозим топдик.

Вилоятда корхоналарни модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 16 млрд. 719 млн. сўмлик 11 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилмоқда. Ҳудудий инвестиция дастурига асосан 15 та лойиҳага 17 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ йўналтирилиши мўлжалланган. «Амалий медфарм» масъулияти чекланган жамияти, «Боёвут пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти каби қатор корхоналарда техник янгиланиш ва модернизациялашга эътибор қаратилгани боис ўтган йилнинг ўзида 313 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу эса аввалги йилга нисбатан 9 фоиз кўп демакдир. Гулистон шаҳридаги «Сарруна текстил» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ана шундай туб ислоҳотлар натижасида фаолиятини тубдан такомиллаштираяпти. Корхонада 87 минг 800 АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоя эвазига замонавий технологиялар ўрнатилди. Пировардида бу ерда калава ип, тўқимачилик маҳсулотлари, тайёр кийим-кечак тайёрлаш ҳажми кескин ошиб, маҳсулот сифати ҳам яхшиланмоқда.

Буларнинг ҳаммаси вилоятда саноатни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва шу орқали сирдарёликларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида юз бераётган бу каби ўзгаришларнинг замирида энг аввал инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади акс этган. Қолаверса, бу эзгу ишлар юртбошимиз илгари сурган «Бу муқаддас ватанда азиздир инсон» ғоясининг амалдаги исботи десак, муболаға бўлмайди.

Гулистон шаҳрида жойлашган «Маънавият ва маърифат маркази»да байрамона кайфият ҳукмрон. Бу ерда вилоятдаги лицей ва коллеж директорлари ўринбосарлари ва талабалар, маҳаллаларнинг фаоллари, вилоят матбуотчилари тўпланишган.

(Давоми 4-бетда)

Ифтихор

«Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари билан бошқа ҳудудларни боғлайди. Мазкур қурилиш натижасида нафақат ватанимиз бўйлаб юк ташиш масофаси 180 километрга қисқарди, балки эътибордан четда колиб кетаётган ер ости минерал ресурслари, нефт ва газ, рангли металл, кўмир ва калий тузи, қурилиш материаллари ҳамда бошқа сифатли, қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштиришга имкон берди. Ҳозирда 7 та янги йирик кон очилди, уларнинг 6 таси нефт-газ, биттаси газ конидир. Бундан ташқари, Деҳконободдаги калий тузи, Бойсундаги улкан кўмир захираси, Хонжизанинг полиметалл конларидаги ишлар мамлакат ривожида муҳим ўрин тутмоқда.

XXI аср мўъжизаси

Бу темир йўл минтақа аҳолисини иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлашга бўлган эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамият касб этди. Ҳисоб-китобларга қараганда, юк ташиш ва йўловчилар қатновини йўлга қўйиш, темир йўлга хизмат кўрсатиш, йўл хавфсизлигини таъминлаш ишларига камида 2-2,5 минг нафар ишчи талаб қилинади. Яна, қурилиши режалаштирилаётган янги корхоналар ва хизмат шохобчаларида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида қўшимча тарзда 3-4 минг нафар юртдошимиз иш жойига эга бўлади.

Истиқлолнинг буюк қудрати — «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли Ўзбекистоннинг чет давлатларга, аввало, трансафғон темир йўли коридори орқали яқин келажакда тўғридан-тўғри Ҳинд океани, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига чиқиш, экспорт ҳажмини ошириш, шу билан бирга юртимизнинг транзит мамлакат сифатида имкониятларини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини оширади.

Айни пайтда соҳа ишчи-ходимларига қулай шароитлар яратилган. Барча станцияларимиз кабел тизимига ўтиб, алоқа компьютер мажмуаси билан таъминланган. Муҳими, улар республиканинг ягона диспетчерлик марказига уланган. Бу поездлар таркиби ва уларнинг ҳаракатланиши ҳақидаги маълумотларни тезкор ва аниқ қабул қилиш ҳамда узатиш имкониятларини сифат жиҳатдан яхшилайди. Бекатларимизда йўловчиларга республикамизнинг барча йўналишлари ҳамда бошқа давлатларга қатновчи поездлар учун чипта сотиш йўлга қўйилгани, кутиш ва дам олиш залларининг шинамлиги мижозларга манзур бўлмоқда.

Шавкат ТУРСУНОВ,
«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг
Термиз минтақавий темир йўл узели касаба уюшма қўмитаси раиси

Ishonch
2010-yil 20-iyul № 86 (2811)

Қурултойдан қурултойгача

Ишимиздаги муваффақият

сафимизнинг кенглиги, жипслиги ҳамда барқарорлиги билан белгиланади

Касаба уюшма аъзоларининг жипслигини ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш жамоат ташкилоти олдида турган устувор вазифалардан биридир. Жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловлар бу вазифа қандай амалга оширилаётганлигини яна бир бор синовдан ўтказди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудири Валижон Кочкаров билан суҳбат мавзуси шу ҳақда.

— Дарҳақиқат, қаерда ташаббускорлик, ишчанлик ҳамда кўзланган мақсад сари интилиш бўлса, ўша ерда муваффақиятларга мустаҳкам замин яратилади, — деди суҳбатдошимиз. — Жорий йилнинг январ-март ойларида 33688 та бошланғич ташкилотда, 24939 та цех ташкилотида ва 78704 та гуруҳларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамда конференцияларида билдирилган фикр-мулоҳазалар бундан кейинги фаолиятимизда асқотади.

Айнан шунинг учун ҳисобот-сайловларни жойларда уюшқоқлик билан, юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик жараёнига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Федерация кенгаши раёсатининг тегишли қарорлари, низомлар, тавсиялар қабул қилинди. Шу билан бирга, бир неча комиссиялар, хусусан, ҳисобот-сайловлар назоратини олиб бориш ва таҳлил этиш комиссиялари ташкил этилди. Тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашлари, ҳудудий бирлашмаларнинг ташкилий ишлар бўлим мудирларининг ўқувлари, фаолларнинг семинар-кенгашлари уюштирилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамда конференцияларнинг ўтказилишига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Федерация раҳбарияти томонидан махсус жадвал тасдиқланди. Унга мувофиқ масъул ходимларимиз Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси, «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўз Донг Жу Пейит» қўшма корхонаси, «Хоразм шакар» масъулияти чекланган жамияти, Ғиждувон туманидаги 52-умумтаълим мактаби ва бошқа кўплаб ташкилотларнинг ҳисобот-сайловларида иштирок этишди.

Бўлиб ўтган йиғилишларда Президентимиз ҳамда ҳукуматимизнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни янада юксалтириш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, халқимиз турмуш даражасини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари тўла қўллаб-қувватланиб, касаба уюшма ташкилотларининг бу борада амалга ошираётган ишлари таҳлил этилди. Келажакдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

— Ҳисобот-сайловларда қатнашган аъзолар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Улар умумлаштирилиб, йўл-йўриқлар белгилаб олиндими?

— Албатта, билдирилган фикрлар бехатар ва соғлом меҳнат шароитини яратиш, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, бу борада жамоа шартномалари ва келишувларидан имкони борича тўлиқроқ фойдаланиш, маданий-маърифий муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, иш фаолиятини янада жонлантириш, соғломлаштириш, касаба уюшмалари Устави ҳамда Ҳаракат дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш каби ўта долзарб масалаларга қаратилган бўлиб, бу касаба уюшма органлари ва иш берувчилар учун ўзига хос масъулият ҳамдир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти атрофлича таҳлил этилиб, хато ва камчиликлар рўй-рост кўрсатилди. Айрим бошланғич ташкилотлар ва гуруҳларнинг ҳисобот давридаги ишлари қониқарсиз деб топилди. Бундан тегишли хулосалар чиқариб олинди, албатта.

— Давр биздан ташаббускорлик ва изчилликни тақозо этаяпти. Мана шундай шароитда касаба уюшма етакчилари таркибини ёш, изланувчан кадрлар билан бойитиш масаласи ҳам кун тартибида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

— Биз ҳам шу ҳолатни назарда тутиб ҳисобот-сайлов давомида касаба уюшма органлари таркибини, раҳбарларини истеъдодли ҳамда ташаббускор ёшлар билан янгилаш масаласига асосий эътиборни қаратдик. Хусусан, бошланғич ташкилот етакчиларидан 28 фоизи (9329 киши), касаба уюшма гуруҳи ташкилотларининг 54,8 фоизи (43096 киши), цех ташкилотлари раисларининг 50,2 фоизи (12524 киши) янгидан сайланганлиги ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Баркамол авлод йилида ёшларни сафимизга жалб этишга, етакчилар таркибида уларнинг сонини янада оширишга эътибор кучайтирилди. Янгидан сайланган бошланғич ташкилотлар раисларининг 14 фоиздан зиёдини 30 ёшгача, 68 фоизини 30-50 ёшлилар ташкил этди.

— Ҳисобот даврида сафимизни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилганлигидан хабаримиз бор. Шу масалага ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта, ишимиздаги муваффақиятни сафимизнинг кенглиги, жипслиги ҳамда барқарорлиги белгилайди. Шу боисдан мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, ташаббускорликка кенг ўрин берилаётган бир пайтда, меҳнат жамоаларида касаба уюшмасига аъзолик афзаллигини асослаш мақсадида кенг тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Айниқса, бу борада нодавлат сектори корхоналарига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Агросаноат мажмуи, енгил саноат, савдо, автотранспорт тармоқларида юз бераётган тузилмавий ўзгаришлар бу масалага жиддий ёндашишни тақозо этмоқда. Бунинг учун жойлардаги мониторинг гуруҳлари фаолиятини тўғри ташкиллаштириш, таҳлиллар ва режалар асосида ишлашни йўлга қўйиш зарур. Шу билан бирга, Федерация кенгаши мониторинг гуруҳига тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашда аъзо ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятларини ошириш даркор.

Тузилмани такомиллаштириш масаласида эса касаба уюшмалари ҳаракат бирлигини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бориш ўта муҳим вазифалардан.

Айни кунда касаба уюшма ташкилоти тузилишига тўсқинлик қилинаётган корхоналарда олиб борилаётган ишлар, асосан, мазкур корхоналар раҳбарлари билан мулоқот қилиш даражасида қолиб кетмоқда. Бевосита корхона ходимлари ўртасида аъзолик афзалликларини асослаш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга кўп ҳолларда эътибор қаратилмаяпти.

Бу ҳол ютуқлар билан чегараланиб қолмасдан, долзарб муаммоларни оқилона ҳал этишга янада кўпроқ диққат-эътибор қаратишимизни тақозо этади.

«Ishonch» мухбири
Неъмат РАФИҚОВ
суҳбатлашди

Мақсадимиз – жисмонан бақувват,

Хоразм

Мустақиллик йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортни изчил ривожлантиришнинг уч босқичли тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинларига асос солингани ёшларни спортга жалб этишда асосий омил бўлмоқда. Эндиликда айнан шу тизимда чиниққан ёшларимиз халқаро мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтариб, қалбимизни ғурурга тўлдираяпти. Уларнинг минглаб издошлари етишиб чиқаётир.

Соғлом авлод — соғлом истиқбол

Хоразм вилоятида 2003-2009 йилларда 67 та болалар спорт иншооти қурилгани соғлом авлод ҳақида ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди. Мазкур иншоотларнинг 59 таси қишлоқларда барпо этилган бўлиб, бунинг учун 8 млрд. 656 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Улар 987 млн. 700 минг сўмликдан зиёд спорт анжомлари билан жиҳозланди. Вилоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига 2006-2009 йилларда 559,1 млн. сўмлик спорт кийим-кечаклари тарқатилди.

Ўтган йили ҳам қишлоқларда 9 та умумтаълим мактаби ўқувчилари ўз спорт залларига эга бўлишди. Бундан ташқари, Ҳазорасп тумани Питнак шаҳарчасидаги ёпиқ сузиш ҳавзаси тўлиқ реконструкция қилиниб, ёшларнинг севимли масканига айланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жаҳонда иқтисодий-молиявий инқироз кечаётган бир пайтда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида катта маблағ эвазига ўнлаб, юзлаб спорт иншоотлари бунёд этилаётгани юртимизнинг қудратидан, фарзандлар камоли йўлидаги қатъий ҳаракатидан далолат беради.

Эндиликда барча қулайликларга эга мазкур иншоотларнинг доимо гавжум бўлишига ҳаракат қилаяпмиз. Барча мажмуаларда машғулотлар қизғин олиб борилмоқда. Вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланувчи ёшлар сони 120 мингдан ортиқ. Жумладан, миллий кураш, волейбол, баскетбол машғулотларига 40 мингдан зиёд қиз мунтазам қатнашмоқда. Йил бошидан буён тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида 100 дан ортиқ спорт тадбири ўтказилди. Уларда 33 мингга яқин ёшнинг иштирок этгани қувонарли ҳол.

Болалар ўртасида спортни янада оммалаштириш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида мактабларда шанба ва якшанба кунлари «очиқ эшиклар куни», чоршанба куни барча жисмоний тарбия фани машғулотлари «очиқ дарс» деб эълон қилиниб, оммавий тадбирлар ўтказилмоқда.

Бундай эзгу ишлар самара бераётир. Хоразмлик ёшларнинг бугунги муваффақиятини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Вилоятнинг 58 та вакили спортнинг 15 тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳисобланади. Хусусан, ўтган йилнинг май ойида Ереванда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида Мирза Ҳасанов ўз вазн тоифасида жаҳон чемпиони номини қўлга киритган бўлса, Будапешт шаҳрида дзюдо бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида Гулноза Матниёзова 2-ўринни эгаллаб, Сингапурда ўтказиладиган ўсмирлар олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди. Истамбул шаҳрида дзюдо бўйича уюштирилган халқаро турнирда Дилмурод Ҳайитбоев ва Дониёрбек Бахтиёр ўғли шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Тошкентда самбо бўйича ўтказилган Осиё биринчилигида эса вилоятимиз спортчиларидан Нилуфар Давлатова ва Ўғилжон Рўзматовалар олтин, Қаҳрамон Ибодуллаев, Нодира Алибековалар кумуш, Шоира Машарипова бронза медали соҳиби бўлди.

Дарҳақиқат, ўтган йил хоразмлик ёшлар учун омадли келди. Гулистонда ўтказилган «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақасида вилоят терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди. 3 та олтин, 10 та кумуш, 21 та бронза медалини қўлга киритиб, учинчи ўринни эгаллади. Президентимиз совғаси — «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

Вилоятда спорт иншоотларининг сақланиши ва уларни замонавий анжомлар билан таъминлаш, фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини кучайтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда вилоятда сув спорти, бадиий гимнастика, чим устида хоккей, халқ ўйинлари ва бошқа олимпиада дастурига киритилган спорт турларини ривожлантиришга эътибор ортмоқда.

Баркамол авлод йилида болалар спортини ривожлантириш, оммавийлигини ошириш борасида кенг кўламли вазифалар белгилаб берилган. Бу йил вилоятда 1 та мусиқа ва санъат мактабини бунёд этиш, 3 та мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш, 2 та мактабда қўшимча спорт заллари қурилиши бошлаб юборилди. Шулар қаторида Хива туманидаги вилоят спорт мактаб-интернатининг сузиш ҳавзасини мукаммал таъмирлаш кўзда тутилган. Бунинг учун имконият етарли.

Болалар спортига бўлган эътибор келажакка бўлган эътибордир. Президентимиз таъбири билан айтганда «Буюк давлатни соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади». Шундай экан, бу йўлда барчамиз камарбастамиз.

Камилжон ИБРАИМОВ,
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хоразм вилоят филиали директори

Кўксимизда ғурур ва сурур

Хоразмда номдор спортчилар сафи кўпаяётгани қалбларга ғурур бағишлайди. Бугунги кунда медаллар шодасини кўпайтираётган ёшлар қаторида Мирзабек Ҳасанов ва Жавлонбек Отажоновлар номи такрор ва такрор қайд қилинмоқда. Олимпия захиралари коллежи талабаси бўлган бу икки ўғлон бокс сирларини анча мукаммал эгаллашган.

Мирзабек бир неча марта Ўзбекистон биринчилиги, халқаро турнирлар ғолиби бўлди. Айниқса, Бокуда ўтказилган халқаро турнирдаги ҳамда Ереванда ўтказилган жаҳон чемпионатидаги ғалабалари Мирзабекни юртдошлар орасида машҳур қилиб, кўпларда ҳавас уйғотди. Устозлари Н.Атаков ва Х.Тангрибергановлар Мирзабекдан яна кўплаб муваффақият кутмоқда.

Жавлонбек ҳам бир неча бор Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиққан, Қозоғистон, Украина, Россиядаги халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашган. Англияда, Туркияда бўлиб ўтган жаҳон биринчиликларида иқтидорини синовдан ўтказган.

— Шогирдим тинимсиз изланмоқда. Бир куни албатта жаҳон чемпиони бўлади, — дейди мураббий О.Қозоқов.

Ҳар иккала боксчи ҳам Ўзбекистон терма жамоасининг аъзолари. Улар келажакда юртимиз байроғини яна кўплаб ареналарда баланд кўтариши аниқ.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спортни ривожлантириш, меҳнаткашлар, айниқса, аёллар ва ёшлар ўртасида спортни кенг ёйиш, уларнинг соғлом, баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бугунги кунда жамиятга 114483 киши аъзо. Фаолият кўрсатиб келаётган спорт секциялари ва соғломлаштириш гуруҳларида 27412 нафар ходим, талаба ва ёшлар мунтазам шуғулланмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт жамияти ихтиёрида бўлган 3 та стадион, 13 та спорт зали, 3 та сузиш ҳавзаси, 281 та майдончадан унумли фойдаланилиб, ҳар доим аъзолар билан гавжумлиги таъминланмоқда.

Ўтган давр мобайнида вилоятда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга кенг жалб этишга эришилди. Турли спорт тадбирларини ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти таълим ва фан ходимлари, агросаноат мажмуи ходимлари, алоқа ходимлари, савдо ва тадбиркорлар, соғлиқни сақлаш ходимлари, давлат муассасалари, ёқилғи-энергетика ва енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари ўртасида «Саломатлик», «Аёллар» ва «Қишлоқ аёллари», «Ғалабага интилишнинг ўзи ғалаба», «Соғлом она — соғлом бола», «Жасорат, ирода, ғалаба», «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақалари, «Маҳаллам — фахрим менинг», болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шунингдек, касаба уюшмалари аппарати ходимларининг вилоят спартакиадалари, минифутбол, футбол, теннис турнирлари, кураш, бокс, стол тенниси, шашка ва шахмат мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Уларда ҳар йили 3 мингдан зиёд спортчи маҳоратини синаб кўрмоқда.

Вилоятимизнинг етук спортчилари қаторида касаба уюшмалари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ҳам жаҳон, Осиё ҳамда республика биринчиликларида қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келаяпти. Жумладан, Хуршида Бекманова Москвада самбо бўйича қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида кумуш медал соҳиби бўлди. Жалолбек Хабизов Ветнамда бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида 2-ўринни эгаллади, Украинада ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам кумуш медални қўлга киритди. Руслан Жуманиёзов Ветнамда ёшлар ўртасида ўтказилган бокс бўйича Осиё биринчилигида 3-поғонадан жой олди. Умидбек Салаев Украинада ёшлар ўртасида ўтказилган бокс бўйича А тоифали халқаро турнирда 1-ўринни эгаллади, Бокуда ўтказилган Осиё биринчилигида ҳам олтин медалга сазовор бўлди. Жиззах шаҳрида ўтказилган бокс бўйича Ўзбекистон чемпионатида 91 кг. вазнда 2-ўринни эгаллади.

Шовот туманида жойлашган ушбу спорт мактабида барча шароит муҳайё қилинган. Ўз касбининг фидойилари бўлган мураббийлар шогирдларга бор маҳоратини намоён қилган ҳолда сабоқ бермоқда.

Фарзандлар доим эътиборда

Рустам ЮСУПБОЕВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти йўриқчиси

Ishonch
2010-yil 20-iyul № 86 (2811)

маънан етук ва комил инсонни тарбиялаш

ВИЛОЯТИ

Темурдай дўстим бор

Дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтаман деган экан бир донишманд. Мен ҳар доим фахр билан дўстим номини баланд овозда тилга олишни яхши кўраман: Темур Иброҳимов — ўзбек боксини дунёга танитаётган моҳир спортчи. У Майк Тайсонни истеъдоди билан қойил қолдирган ўғлон. Темур 1996 йили Атлантада бўлиб ўтган 26-ёзги олимпиада ўйинларида (ўшанда Ўзбекистон бундай мусобақаларда биринчи марта иштирок этаётган эди) мамлакатимиз байроғини кўтариб чиққан .

Дўстим 1975 йили Урганчда таваллуд топган. У Пўлат ака ва Юля опанинг ёлғиз ўғли. 4 қиз орасида тарбия топган Темур, онасининг айтишича, болалигида табиатан ювош, мўмин бўлган.

— Бир куни кўчада болалардан қаттиқ калтак еб келди ва боксчи бўлишга қарор қилди, — дейди Юля опа.

Темурнинг бахти бор экан. Уни Хоразм бокс мактаби ривожига улкан ҳисса қўшган мураббий Мэлс Китабов шогирдликка олди. Афтидан умрини бокс равнақига бағишлаган бу инсон Темурдаги истеъдодни бир қарашда илғаган. Темур ўқувчилик йилларидаёқ Ўзбекистон чемпионатларида иштирок этиб, шоҳсупадан жой олди. Собиқ СССР микёсидаги мусобақаларда ҳам совриндор бўлди. Ангрендаги педагогика институтини муваффақиятли тамомлади. Темур истеъдод, маҳорат, шижоат билан жаҳон шоҳсупаси сари дадил йўл олди. 1994 йилда Бангкокда бўлиб ўтган жаҳон кубогида бронза медали совриндори бўлди. Айни пайтда у профессионал бокс бўйича WBC версиясида Шимолий ва Марказий Америка федерацияси чемпионлик камари соҳиби. WBA йўналиши бўйича ҳам камарга эга. Айни пайтда Американинг Флорида штатида маҳоратини оширмоқда.

Унинг Москвада ўтказган ўйинларини кўпчилик юртдошларимиз ҳаяжон билан кутган эди. Ушбу мусобақага Темур Урганчда тайёргарлик кўрди. Ундан бунинг сабабини сўраганимда, «Она шаҳримдан, юртдошларим меҳридан қувват оламан» дея жавоб қайтарди. Дўстим мендан ва моҳир мураббий Омонбой Қозоқовдан ушбу мусобақага тайёргарлик жараёнида мураббийлик қилишимизни сўраганида, бажонидил рози бўлдик. У мусобақага қунт билан тайёрланди. Натижада, миллионлаб юртдошларимизнинг ишончини оқлаб, ғолиб чиқди.

— Афсус, бу кунларни Пўлат акангиз кўрмади, — дейди Юля опа. — Аммо унинг руҳи ўғлидан хурсандлигига ишонаман.

Тимур шу кунгача профессионал рингда 31 та жанг ўтказиб, 18 тасида зафар қучган. Шундан 15 тасида рақибини нокаутга учратган.

Дўстим охирги учрашувини шу йил 16 июнда АҚШнинг Флорида штатида ўтказди. Т.Иброҳимов ўта оғир вазн бўйича жаҳоннинг собиқ чемпиони, америкалик Оливер Маколл билан куч синашди ва ғалаба қозонди.

Айни пайтда Темур яна Урганчда. У 24 август куни Флорида штатида бўлиб ўтадиган мусобақада Америка фуқароси, асли ҳиндистонлик Гурчаран Синхга қарши рингга чиқади.

Шу кунларда дўстимга жисмоний тайёргарлик бўйича мураббийлик қилаяпман.

Уни янада юксак чўққилар кутмоқда. Бу чўққиларни албатта забт этади.

Шерзод ОТАМУРОДОВ,
бокс мураббийи

Истеъдодларга кенг йўл

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 15 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2010-2014 йилларда 7 та мактаб қуриш, 8 та мактабни капитал реконструкция қилиш режалаштирилган.

БМСМларда таълим олаётган 3044 ўқувчига 349 нафар мураббий сабоқ бераяпти.

Таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган турли танлов ва фестиваллар ўқувчилар орасида янги-янги иқтидорларнинг кашф этилишига ва қўллаб-қувватланишига хизмат қилмоқда. Дейлик, ўтган йилдан бошлаб «Болалик баҳори» фестивали ўтказилиши йўлга қўйилди. Бултур вилоятимизнинг иқтидорли болалари фестивалнинг республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, бешта йўналишда ҳам шоҳсупадан жой олган эди. Бу йил ушбу муваффақиятни янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Ватанни улуғлаш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни ёшлар қалбида камол топтириш, ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида ташкил қилинган «Ягонасан, муқаддас ватан!» республика танловининг вилоят босқичида юздан ортиқ иштирокчи эстрада, вокал, достон ижрочилиги бўйича иқтидорини намойиш қилди. Танловнинг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган Аминзода Жуманиёзов, Шаҳризода Абдуллаева, Умидбек Курамбоев, Пўлат Болтаевлар эндиликда ўз мухлисларига ҳам эга бўла бошлади.

Вилоятимизнинг иқтидорли ўқувчилари «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили фестивалнинг вилоят босқичида 500 га яқин бола қатнашганди. Уларнинг энг иқтидорлилари республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Хоразм азалдан иқтидорлар юрти саналади. Бу замин номи жаранглаганда қулоқларимиз остида лазги садолари, Ҳожихону Комилжонлар навоси янграйди. Бугунги ёшларимиз аждодларга муносиб ворис бўлиб, ўзбек санъатини дунёга достон қилиш ишқида ёнмоқда. Бунинг учун имконият етарли. Демак, эртадан умидимиз катта.

Алишер САДДИНОВ,
вилоят халқ таълими бошқармаси болалар мусиқа ва санъат мактаблари сектори мудири

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» танловига

Интилиш самараси

Ёшлар орасида илмий ва ижодий ишлари билан юртимизни жаҳонга танитаётганлар кўп. Уларнинг изланишлари чет элдаги мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда. Ана шундай ижодкорлардан бири ёш олим Зулхумор Мирзаевадир. Уни беш йилдан бери танийман. Дўстларимдан эшитаманки, ҳали Америка, ҳали Туркияга илмий сафарга кетган бўлади. Яқинда учрашиб қолганимизда ҳам у шошиб турарди. Қисқа суҳбатдан билганим — Руминиянинг Ovidus университети профессори Стоика Лагсу интернет орқали унинг мақолалари билан танишгач, университет томонидан нашр қилинадиган Евроосиё тўпламига мақола жўнатишини сўрабди. Ич-ичимдан ҳавас қиларканман, ундаги интилувчанлик ва тиришқоқлик ҳақида ўйлайман...

Масъулият

У Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидан. Болаликдан адабиётга, тил билишга қизиққан қизалоқ бирин-кетин инглиз, рус, араб ва турк тилларини ўрганди. Туман ва вилоят олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллади. Газеталарда мақола ва шеърлари чоп этилди. Ўн олти ёшида Фарғонада ёш ижодкорлар ўртасида ўтказилган «Менинг биринчи китобим» республика танловининг шеърият йўналишида ғолиб бўлиб, Ўзбекистон Миллий университетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. 1996 йили «Оппоқ тун» номли илк китоби нашрдан чиқди. 1997 йили «Туркистон» газетаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Улуғбек» жамғармаси билан ҳамкорликда «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусида ижодкор талабалар ўртасида ўтказилган республика танловида «Қалбимнинг Каъбаси» номли мақоласи билан ғолиб бўлди. Энг яхши публицистик мақолалари учун «Улуғбек» жамғармасининг кўкрак нишони ва эсдалик совғаси билан тақдирланди. Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендиати бўлди.

У «Ўзбек ва инглиз шеъриятида қофия» мавзусидаги диплом ишини ўзбек ва инглиз тилларида ҳимоя қилади. Ўша даврда университетдаги тил марказида фаолият юритаётган ва Зулхуморнинг диплом ишига оппонентлик қилган инглиз филологи Хелен Велеш хоним: «Ўзбек филологияси факултетида таълим олиб, инглиз тилида диплом ҳимоя қилган талабани биринчи кўришим. Ҳайратланарлиси, диплом иши инглиз тилида ҳам соф илмий тилда ёзилган ва ҳимоя жараёнида барча саволларга аниқ жавоб берилди», — дея эътироф этганди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳар бир истеъдод соҳибига кўрсатилган ғамхўрлик том маънода унинг келажагини белгилаб беради. Зулхуморнинг босиб ўтган йўлига назар ташласак, аввало ота-онаси, устозлари меҳнати, қолаверса, юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги эзгу ишларнинг самарасини кўрамиз. Чунки тарбия, эътироф ва эътибор унинг кейинги ишларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. У 2001 йили Америка ҳукумати томонидан таъсис этилган «Халқаро тадқиқотлар алмашинуви» дастурида иштирок этиб, сўнгги русумдаги компютер билан тақдирланди.

Номзодлик иши ва эътироф

У бошлаган тадқиқот мавзуси бугунга қадар ўзбек адабиётшунослигида тўлиқ ўрганилмаганди. Диссертацияга оид манбаларни ўрганиш учун Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик талаб этиларди. Шу тариқа илмий иши билан боғлиқ мақолаларини Америка, Туркия, Ҳиндистон каби қатор давлатларда эълон қила бошлади. Диссертация авторефератини инглиз тилига таржима қилиб, хорижий мамлакатларнинг бир неча нуфузли олимларига юборди. 2007 йилнинг январ ойида «Ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши» номли номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Америкалик олим Христофор Милфи ўз тақризида шундай ёзади: «Ўзбек адабиётининг чет элда тадқиқ қилиниши ҳақидаги тадқиқотларнинг энг оригинали ва объектив баҳоланиб, ҳаққоний хулоса билдирилгани шудир. Мен мазкур ишни монография шаклида инглиз тилида чиқариб, Америкадаги ўзбек тилини ўрганаётган Марказий Осиёни тадқиқ қилиш бўлимларига тақдим этилишининг тарафдориман».

Яна бир тақризчи — туркиялик олим Темур Хўжа ўғли ҳам инглиз тилидаги таржималарни бир-бирига солиштириб, жудаям зўр таҳлилий иш қилингани билан олимни табриклаб: «Инглиз тилига таржима қилинган ўзбек жадид адабиёти намуналаридаги маъновий ва эстетик фарқларни жуда усталик билан кўриб чиқибсиз...», — деб ёзиб юборганди.

— Кичик фарзанди дунёга келгач, туғруқхонадан чиққан кунининг эртасигаёқ номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Зулхумор дадиллик билан барча эътироз ва саволларга аниқ жавоб бера олди, — деганди ўшанда филология фанлари доктори Маматқул Жўраев. — Юртимиздан Зулхумордек чет тилларини пухта билган олимлар етишиб чиқаётганини кўриб хурсанд бўлдим.

Кейинги пайтда...

Зулхуморнинг илмий фаолиятда эришган ютуқлари, иқтидори сабаб Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтидаги мувофиқлаштирувчи кенгаш уни докторантурага тавсия қилди ва 2009 йилнинг январ ойидан бошлаб академик Бахтиёр Назаров раҳбарлигида «XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Унинг ташаббускор ёш олим сифатидаги фаолиятини қисқа муддатда республика миқёсидаги бир неча халқаро конференцияда иштирок этганидан ҳам билиш мумкин. Айниқса, Американинг Колумбия университетида бўлиб ўтган ASN (Association for the Study of Nationalities (2010 йил 15-17 апрел) конференциясида «Ўзбек адабиётининг Америка олимлари томонидан инглизчалаштирилиши, унинг ютуқ ва камчиликлари» номли мақоласи иштирокчилар томонидан эътироф этилгани таҳсинга лойиқ.

(Давоми 4-бетда)

Бадиий гимнастика жозибаси



Урганч олимпия захиралари коллежининг муҳташам бадиий гимнастика саройи икки кун мобайнида ишқибозлар билан гавжум бўлди. Улар бу ерда вилоят ҳокими кубоги учун ўтган беллашувларни мириқиб томоша қилишди.

Мусобақанинг очилиш маросими байрамона тарзда ташкил этилди. Марказий гиламда бежирим ва кўркам либослар кийган, латофатли гимнастикачи қизлар саф тортишди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дамлар етиб келди. Қизиқарли баҳслар бошланди. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган гимнастикачилар ўзлари тайёрлаб келган дастурларни намойиш этишди.

Урганчлик Элмира Собирова, Севинч Рўзметова, Диана Каирбекова, Қумрихон Ҳожиева ва Манзура Ортиқова, қўшкўпирлик Нилуфар Ҳайитбоева, Зулфия Отабоева ва Азиза Олимқулова ўз йўналишлари бўйича шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Шунингдек, Ҳазорасп, Боғот, Гурлан ва Янгибозор туманлари қизлари ҳам совриндорлар қаторидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида олий ўринни Урганч шаҳри жамоаси эгаллади. Боғот ва Қўшкўпир тумани жамоалари биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Ҳазорасплик бадиий гимнастикачилар иккинчи, хиваликлар эса учинчи поғонани банд этишди. Ғолиблар вилоят ҳокимининг махсус совринлари — диплом, медал ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бахтиёр РАҲМАТУЛЛАЕВ

Мендан гоҳида «бир оиланинг келини, жажжи фарзанднинг онасисиз, ўқишга, изланишга, ижод қилишга қандай вақт топасиз?» деб, сўраб қолишади. Шундай пайтда табассум қиламан. Ахир имконият орзуларимдан-да бисёр бўлса, қандай қилиб вақт топмаслик мумкин? Дориломон замонда, ҳур ватанда яшаб орзуларга ғарқ бўлмасликнинг иложи бирми? Биздан олдинги авлод вакилларининг ҳавас билан қарашлари бугун кечагидан, эртага бугунгидан ҳам фаолроқ бўлишга ундайди.

Имконият орзудан-да бисёр

Фикримни университетимиз мисолида исботлашга ҳаракат қиламан. Чет давлатлар олий ўқув юртлари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган, барча компютерлар интернетга уланган, бадиий ва илмий адабиётларга бой ахборот ресурс марказимиз эндиликда электрон дарсликлар билан ҳам бойитилмоқда. Бизга фидойи, билимдон ўқитувчилар сабоқ беради. Ётоқхонамиз эса мисли кошона. Санаторий-профилакторийда саломатлигимизни мустаҳкамлаш имконига эгамиз.

Университетимиздан Президент стипендиатлари, «Камолот» Марказий кенгаши, «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда халқаро грантлар соҳиблари, турли фан олимпиадаларининг ғолиблари, «Универсиада» ғолиблари етишиб чиқмоқда. 2007-2009 йилларда талабаларимиздан 27 нафар фан олимпиадаси ғолиби, 3 нафар Президент стипендиати, 9 та давлат стипендияси соҳибига айланишди. Бундан ташқари, ҳар йили иқтидорли талабаларимиздан 70-80 нафари университетнинг устама стипендиясини олишади.

Биз берилаётган имкониятга, билдирилаётган ишончга албатта муносиб жавоб қайтарамиз.

Ёркиной ЭРНАЗАРОВА,
Урганч давлат университети талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Президент стипендиати

Қўшсаҳифани «Ishonch» мухбири Муҳаббат ТЎРАБОЕВА тайёрлади.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2010-yil 20-iyul № 86 (2811)

Бу муқаддас ватанда азиздир инсон



Ижодга рағбат

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али гапни Сирдарёнинг кечаги ва бугунги қиёфасини эътироф этишдан бошлади.

— Биз Сирдарёни доимо шеърларимизда мадҳ этиб, уни она Сирдарё деб ардоқлаймиз, — деди у. — Бугун бу ерда қад кўтараётган ҳар бино сирдарёликларнинг пешона теридан бунёд бўлмоқда. Бу бунёдкорлик бизга соҳибқирон бобомиз Амир Темурдан мероздир. Бутун умри жангу жадалларда ўтган бобомиз эл-юрт фаровонлиги, ватан тараққиёти учун қанчадан-қанча йўллар, кўприклар, иморатлар қурдирганини, илм-фан, маданият аҳлига ғамхўрлик кўрсатганини яхши биламиз. Мустақилликни мустаҳкамлаш, она юртимиз равнақига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг эзгу мақсадимиз экан, бу йўлда соҳибқирон бобомиз амалга оширган ишлардан ибрат олсак, у кишига муносиб ворис бўламиз.

— Муштарийлар билан газета саҳифалари орқали кунда-кунора мулоқот қилсак-да, бундай юзма-юз учрашувлар таҳририят учун янги мавзулар, ижодий режалар манбаи ҳисобланади, — деди «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Абдуҳолиқ Абдураззоқов. — Сирдарё Тўра Сулаймон, Алиқул Хонимқулов, Ҳалима Худойбердиева каби моҳир ижодкорлар ватани. Орангизда уларнинг издошлари кўплигига аминман. Фурсатдан фойдаланиб, сирдарёлик барча ижодкорларни газетамиз билан фаол ҳамкорлик қилишга чорлайман.

Соғинсам қучоғин қуёшдай очгай,
Меҳрини йўлимга юлдуздай сочгай.
Қалбим тумор этдим — кўз тегмасин, ҳай!
Ёшлигим — гуллаган чоғим Сирдарё,
Илк севгим — муҳаббат боғим Сирдарё.

Темур чингизийлар чилин синдириб,
Неча ёғийларин бир-бир тиндириб.
Озодлик ниятин қалбга индириб —
Халқ бўлмоқ аҳдида сирлашган юрт бу,
Буюк Турон бўлиб бирлашган юрт бу.

Ўрлаб келинг аста чўлга-қирга,
Шоҳруҳ назар солган Шоҳруҳиядга —
Вужудингиз тўлгай нурга-зиёга,
Тўра Сулаймонга ор бўлган юрт бу,
Ҳалимадек қизи бор бўлган юрт бу.

— Ижодкор учун ҳар бир сўзи қадрли, — деди Муҳтарама Улуғова. — Ҳар битта сўзни кўнглидан ўтказиб, жой-жойига қўйгандан кейин асарини газетга олиб борса, унинг бир сўзини ўринсиз олиб ташлашса, юрагингизнинг бир парчасини кесиб олгандай бўлади. «Ishonch» газетаси энг аввало журналистга, ижодкорга ҳурмати борлиги билан менга маъқул.

Фикримизга, ҳозир айтилган гапларга ишонч ҳосил қилишингиз учун «Ishonch»га обуна бўлишларингизни сўрардим. Олдинги йилларга солиштириб гардеробларимизни қарасак, ортиқча латта-путталаримиз кўп. Шуларга кетадиган харажатдан озгинасини чегириб газета-журналларга обуна бўлсак, китоблар сотиб олсак, ватанимизга, жамиятга келтирган энг катта фойдамиз шу бўлади. Китобларда ёзилган битта ҳикматли сўзни болаларимиз билан ўқисак, жуда катта фойда олган бўлардик.

— Чиндан ҳам бугун бизнинг энг яқин дўстимиз, маънавиятимизни бойитадиган, ақлимизни оширадиган беминнат ёрдамчимиз китоб бўлиши керак, — деди Гулистон давлат университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Равшан Маҳмудов. — 4-синфда ўқиб юрганимизда Уйғун домла қишлоғимизга кўп борган. У кишини тирик кўрдик деб китобларини қидириб топганмиз. Талабаликда Одил Ёқубов, Миртемир домла китобларига дастхат ёзиб беришган. Ҳозир икки юздан ортиқ шоирнинг дастхати ёзилган китоблари уйимда сақланади. Касаба уюшма ҳар бир мактаб ва лицейга китоб совға қилсин дедим. Чунки китоб эскирмайдиган бойликдир. Яқинда бир мактаб директорининг уйига бордим. Ўн беш йил мактаб директори бўлганига қарамай кутубхонаси йўқлигидан хафа бўлдим. Мен умид қиламан, бу ерда ўтирганларнинг уйида камида тўрт мингга яқин китоби бор. Ўйлаймизки, китоб ўқийдиган болаларимиз қанчалик кўпайса, уларнинг маънавияти ҳам шунча юксак бўлади.

Сирдарёлик шоир Анвар Тоғаев бу каби учрашувлар вилоят ёшларининг маънавияти ва дунёқарашини янада бойитишга хизмат қилишини таъкидлар экан ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Хуллас, учрашув биз учун ҳам, муштарийлар учун ҳам фойдали бўлди. Энг муҳими, кўнгилда янги режалар туғилгани, ижодга рағбат кучайганидир...

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» танловига

Интилиш самараси



Зулхумор Мирзаева Эдуард Олворт билан.

(Давоми. Боши 3-бетда)

Колумбия университети, Ҳарриман институти ва Эдуард Олвортнинг шогирдлари ҳамкорлигида ташкил этилган, проф. Э.Олвортнинг 90 йиллигига бағишланган анжуманга Зулхумор Ҳарриман институти директори Тимоти Фрай томонидан махсус таклиф қилинди. Шуниси эътиборлики, у конференцияга чақирилган Марказий Осиёлик ягона олим эди. Унинг эслашича, «Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси» номли мақолани тинглаган Эдуард Олворт ўзбек адабиёти хусусидаги баҳсталаб фикрлари билан боғлиқ танқидий ўринлар асослаб берилганда, «мени роса боплабсан-ку» дея кулган ва «мен ҳурмат қилган энг яхши олим аёлларнинг бири сенсан» деб, уни табриклаганди.

Таҳсинга лойиқ

Кейинги пайтда Зулхумор Америкадаги Марказий Осиёни ўрганувчи таянч университетлар — Индиана, Гарвард, Колумбия, Сиэтл университетларида ҳам бўлиб, йирик ўзбекшунос тадқиқотчилар, ўзбек тили ва адабиётини ўрганувчи талабалар билан имкон қадар кўпроқ учрашув ва тақдимотлар ўтказишга ҳаракат қилди. Ўзбек адабиётининг таржимонлари Марк Рейес («Ўткан кунлар» романини таржима қилаётган америкалик таржимон), Рейчел Ҳаррел каби олимлар билан фикр алмашди. Ўзбек адабиётининг инглизчалаштирилиши билан боғлиқ янги лойиҳа (ушбу лойиҳа Мичиган университети ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирилган) таклиф қилди ва унинг молиявий томонини Мичиган университети зиммасига олди. У Америкага саёҳати давомида инглиз тилида равон гапириб америкаликларни қойил қолдирган бўлса, май ойида Туркияда бўлиб ўтган конференцияда туркларни ҳайратга солди.

Зулхуморнинг педагогик фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Унинг 20 га яқин талабаси чет элда, кўплари республикамизнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда.

У ўзбек адабиёти ютуқларини чет элга тақдим этиш йўлида ҳам тинмай меҳнат қилмоқда. Канадалик таржимон Гарри Дик билан ҳамкорликда Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» асарини аслиятдан инглиз тилига таржима қилди. Мазкур асар Американинг «Ватан фонди»да нашрдан чиқиш арафасида. Навоий асарларининг изоҳли луғати ҳам Зулхумор Мирзаева ва Гарри Дик томонидан инглиз тилига таржима қилинаяпти. Жони Эрекснинг «Жони» асарини ўзбек тилига таржима қилиб, нашрдан чиқарди. Кореялик ёзувчи, Нобел мукофоти совриндори Ли Хо Чулнинг «Уйдан йироқда», «Ҳорғинлик» ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилди. Ҳикоялар «Ёшлар китоби»нинг 2008 йилги сонида нашр этилди. Шунингдек, Америка олимларининг ўзбек адабиёти ҳақидаги илмий мақолалари ҳам ўзбек тилига таржима қилиниб, «Жаҳон адабиёти» журналида чоп этилди.

Қаҳрамонимиз халқаро дастурларда иштирок этиб, бир неча грант соҳиби бўлди. Бугунги кунда Ҳиндистон, Корея, Америка, Туркия, Канада каби мамлакатлар олимлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Унинг ижодий ва илмий ишлари хусусида Ҳиндистоннинг «Гужарат» газетасида каттагина мақола ҳам эълон қилинди.

— Баъзиларнинг турмуш қийинчиликларидан нолиганини эшитиб қоламан. Ҳаётим мисолида кўрдимки, интилганга толе ёр экан, — дейди Зулхумор. — Ҳурлик бизга зўр имконият яратди, хорижда ўқиш, жаҳон минбарларида маърузалар ўқиш ва ўзбек номини дунёга танитишдай шарафли ишларда иштирок этиб, кўп мамлакатларда бўлаяпман. Шукур қиламан. Шундай осойишта юртда туғилганим, бутун оилам ҳам мана шу озод мамлакат фуқароси эканидан қувониб кетаман.

Биз ҳам олимларимиз қаторига яна бир истеъдодли ёш олим қўшилганидан фахрланамиз. Унга ижод ва илм йўлида янги зафарлар тилаймиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ёз — 2010

Ёш юлдузлар

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллигига қарашли «Чимён», «Кимёгар», «Ҳумо», «Коинот», «Зангори олов» соғломлаштириш оромгоҳларида анъанавий «Ёш юлдузлар» фестивали юқори савияда ўтказилди. Уларда болалар ватанни мадҳ этувчи шеърлари, дилбар рақслари, куй-қўшиқлари ҳамда саҳна кўринишлари билан кўнгилларга завқ улашди. Кўп асрлик миллий қадриятларимиз, улуғ аллома-ларнинг ибратли ишларини саҳнада акс эттирган ёш юлдузлар маҳорати улар орасидан чемпионлар, етук санъаткорлар етишиб чиқишига умид уйғотади.

Бундан ташқари, дам олувчилар самбо бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони Зайниддин Ўринбоевнинг фикрлари, ўгитларини тинглаш имконига ҳам эга бўлишди.

— Бу ерда болаларнинг таътилни эсда қоларли ўтказиши учун барча шароит яратилган, — дейди «Зангори олов» оромгоҳи бошлиғи Й.Холметов. — Турли тўгараклар, 4000 га яқин китоб фондига эга кутубхона улар ихтиёрида.

«Ёш юлдузлар — 2010» фестивали қатнашчилари ташкилотчиларнинг диплом ва фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Дилноза МУҲАММАДОВА

Ёз — мириқиб дам олиш учун йилнинг энг роҳатбахш даври. Чунки бу вақтда қуёш сахийлик билан ўз нурларини ер юзига беминнат сочаверади. Шу боисдан ушбу фаслда ҳар биримиз табиат қўйнига шошилиб, ҳаётий қувватимизни тиклаб олишга ҳаракат қиламиз.

Ҳордиқ: мазмунли ва маромқли

Келажагимиз бўлган болажонларнинг баркамол бўлиб етишишида уларнинг дам олишларини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллиги бу жиҳатдан ибратли ишларни амалга ошираётганини таъкидлаш жоиз.

«Бекободцемент» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Цементчи» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида «Ягонасан, муқаддас ватан», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» ҳамда санитария-эпидемиология масалаларига оид мавзуларда ташкил этилган тадбир ниҳоятда жонли кечди.

Давра суҳбатида Ёзувчилар уюшмаси аъзоси И. Чориев, журналист А. Карим, Бекобод шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлим мутахассиси Ф. Эрматов, Марказий кенгашнинг Тошкент вилоятидаги вакили Т.Одилхўжаев ва бошқалар қатнашди.

— Бу йил «Цементчи» оромгоҳида 450 га яқин болаларни дам олдириш режалаштирилган. Уларнинг мазмунли ва маромқли дам олишларини ташкил этиш билан бирга, хавфсизлиги ва соғлиғини ҳам муҳофазалаш бурчимиз. Бугунги тадбир ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади, — дейди Т.Одилхўжаев.

Суҳбат давомида болажонлар ўзларини қизиқтирган турли саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Саодатга элтувчи йўл



Мен кутубхонага асосан талаба ва ўқувчилар аъзо бўлади, ёшу улуғлардан эса фақат устоз домлалар боради деб ўйлардим. Аммо ёзги топшириқлар бўйича шаҳар марказий кутубхоналарида вақтимни ўтказар эканман, хато фикрлаганимни англадим. Ўқув залида бир вақтлар хизматчи бўлган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган онахоннинг кўзойнак ёрдамида қалин муқовали китобни мутолаа қилаётганини кўриб тўлқинланиб кетдим. Бу жуда гўзал манзара эди. Шу пайтда бу аёл билан суҳбатлашгим келарди, бироқ уни безовта қилиб қўйишим мумкинлигини ўйлаб, фикримдан қайтдим. Кутубхона маслаҳатчилари билан суҳбатлашиб, онахоннинг доимий китобхонлардан эканлигини билиб олдим. Китобсевар онахонга ҳавас-ла боқар эканман, илм излаш, ўрганиш, китобга ҳавас умрнинг ҳар фаслида зарур эканлигини англаб етдим. «Бешикдан то қабргача илм изла» деган ҳадис ёдимга келди. Уйга қайтар эканман, менда китоб ўқишга иштиёқ янада ошганини ҳис қилдим.

Азиз ёшлар, ўқинг, изланинг. Зеро, боболаримиз айтганидек, билим — саодатга элтувчи йўл. Қалбимда эса ўша нотаниш аёлга бўлган ҳурматим борган сари юксалиб борарди.

САРАФРОЗ.
Назира БОЙМУРОДОВА олган сурат

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар касаба уюшма кенгаши жамоалари Чинни ишлаб чиқариш корхонаси собиқ касаба уюшма қўмитаси раиси, меҳнат фахрийси **Эҳсон ОРИПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Навоий вилоят кенгаши жамоалари тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши молия бўлими мудири Ҳикмат Сафаровга ўғли **Суҳробжон САФАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ijtimoga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti
256-87-63
Huquq va xalqaro hayot
256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat
256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport
256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash
256-85-43
Reklama va e`lonlar
256-87-73

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
D. Rahmonova
Navbatchi:
Sh. Abdusamadov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Буюртма Г — 651

12995 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
2345